



Салимахон РУСТАМИЙ,
филология фанлари номзоди,
доцент

Балозат — расоҳат илми



Инсон бошқа мавжудотлардан фикрлай олиш хусусияти билан мумтоз қилинган экан, ўз навбатида, унга фикрни ифода эта олиш, яъни нутқ (сўзлаш) қобилияти ҳам инъом этилган.

Нутқ орқали калом (ўзбек тилшунослигида «калом» атамаси ўрнида «нутқ» атамаси қўлланади) ҳосил бўлади ва инсон ўз фикрини бирор тилда ифодаланган калом кўринишида тақдим этади. Бу ўз навбатида фикрни ифодалаш воситаси ҳисобланган тилнинг луғат бойлиги ва қонун-қоидаларини пухта эгаллашдан бошланади. Шунинг учун ҳам қадимдан тилнинг табиати ва тил орқали фикрни ифодалаш усуллари ўрганишга катта эътибор берилган ва унга оид махсус фанлар тизими вужудга келган. Бундай тизим шарқда «адаб илмлари», ғарбда «филологик фанлар» деб аталган.

«Адаб илмлари» тушунчасига «кишини калом айтиш ва ёзишда хато қилишдан асрайди», «фикрни товуш ва ёзув белгилари воситасида ифодалаб, ўзаро тушунарли бўлишини таъминлашга хизмат қиладиган билимларни ўргатади» каби таърифлар берилган. Адаб илмлари таркибига луғат, сарф, иштиқоқ

(баъзи олимлар иштиқоқни сарф таркибига киритганлар), наҳв, маъоний, баён, аруз, қофия, иншо, шеър фарзи, муҳозара (маъруза), расму-л-хат каби илмларнинг киритилгани бу фикрлар исботи учун етарли далил бўла олади.

Ҳозирга келиб бу тизим таркибидаги луғат (лексика), сарф (морфология), иштиқоқ (деривация), наҳв (синтаксис) масалалари тилшуносликнинг грамматика бўлимида ўрганилса, аруз, қофия, иншо, шеър фарзи, муҳозара (маъруза) масалалари адабиётшунослик фани таркиби ҳисобланади, маъоний ва баён масалалари қисман синтаксисга киритилган бўлса-да, шарқ оимлари уларни алоҳида ўрганадилар.

Тилни адаб илмлари тизими асосида тадқиқ қилиш унинг моддий ва маъновий хусусиятларини тўлалигича очиқ беришга хизмат қилиши билан филология соҳасида муҳим аҳамият касб этади.

Адаб илмлари тизимидаги маъоний ва баёнга сўз санъати оид бадий илми ҳам қўшилиб балозат илмини ташкил қилган.

Маълумки, араб тили ва адабиёти илмига оид асарлар илк ўрта асрларга келиб пайдо бўла бошлади. Балозат



илмининг шаклланиши ҳам узоқ тарихга эга бўлиб, арабшунос олимлар томонидан маълум даражада ўрганилган. Араб тили ва адабиёти билан боғлиқ қарашларни ўзида мужассамлаштирган балоғат тўлиқ шакллангунга қадар унинг таркибий қисмлари бўлган баён, маъоний ва бадиъ ўзига хос равишда ривожланиб борган.

Шулардан баён илми ҳақида биринчи бор Ибн Убайданинг (ваф. 867 й.) «Мажоз ал-Қуръон» китобида зикр этилган. Бу Аллоҳ таолонинг заққум дарахти борасидаги жумласининг маъноси ҳақида Маъмун вазирларидан бири ал-Фазл ибну-р-Рабиъ томонидан берилган саволга жавоб натижасида юзага келган.

Илми маъоний ҳақида дастлабки назарий қарашлар Абу Усмон ал-Жоҳиз (775-868)нинг «Китаб ал-байан ва ат-табйин» ва «Иъжаз ал-Қуръон» асарларида ўз аксини топган. Жоҳизнинг «Китаб ал-байан ва ат-табйин» рисоласи араб адабиёти назариясининг шаклланиши ва ривожланишида катта ҳисса қўшган. Китобда адабиёт ва тил борасидаги илк назарий қарашлар, фасоҳат ва балоғат илми, халқ оғзаки ижоди каби бир қатор масалалар акс эттирилган.

Бадиъ илмига оид назарияларни Абдуллоҳ ибн ал-Муътазз бошлаб берган.


Балоғат илмининг таркиб ва тартиб жиҳатдан бир асарга жамланиб, илмий жиҳатдан етук даражага келиши, дастлаб Абдулқохир Журжоний (XI аср), сўнгра Абу Яъқуб Саккокий (XII аср)нинг беназир меҳнатлари самарасидир. Бу борада Журжонийнинг «Асрор ал-балоғ», «Далоил ал-иъжоз» ва Саккокийнинг «Мифтоҳ ал-ъулум» асарлари диққатга сазовор.

Балоғат илми ўрта асрларда шарқда Қуръон асосида вужудга келди ва ривожланди. Унинг таркибий қисмлари араб тили заминида мустақил равишда шакллана бошлаган. Унинг «мустақил»лигини

И.Ю.Крачковский етарли далиллар билан асослаб берган. У ўз тадқиқотини ўша даврда араб адабиётига таъсир қилиш эҳтимоли бўлган эроний-сосоний ва грек-византия дунёсидан излашга уринади ва «араб поэтикасининг пайдо бўлишига ташқи омил таъсири бўлган, дейиш қийин» деган хулосага келади.

Балоғат илми мутахассислари уни уч таркибий қисмга ажратганлар. Булар: «илму-л-баён» — мақсадни изоҳлаш ва тушунтириш учун гапни турли воситалар билан ифодалаш қоида ва усуллари; «илму-л-маъоний» — таъбирни воқелик ва мақсадга мувофиқ тарзда тузиш услублари ҳақидаги илм; «илму-л-бадиъ» — сўз санъати илми. Сўз санъати илмини бадиий санъатлар ташкил қилади ва улар бугунги кун ўзбек адабиётшунослик соҳасида ўрганилади. Шунингдек, бу санъатларнинг таснифи, келиб чиқиши бир бўлса-да, арабларникидан фарқланади, яъни араб балоғатида уларнинг санъат ҳосил қилишдаги етакчи жиҳати эътиборга олинган ҳолда лафзий ва маъновий гуруҳларга ажратилса, ажам халқи лафзий-маъновий турни ҳам киритган.

Балоғатга оид асарлар «фасоҳат» тушунчасига изоҳ бериш билан бошланади. Араб тилида балоғатли калом, аввало, шу тилда кечадиган тил ҳодисалари ва қонуниятларига мос равишда тузили-





ши ва бу унинг шаклий ва маъновий гўзаллигини таъминлашга хизмат қилиши керак. Биробарин, калом гўзаллигини таъминловчи муҳим омил фасоҳатдир.

«Фасоҳат» тушунчаси лафз (сўз), калом ва сўзловчига нисбатан қўлланади. Уларнинг хусусиятлари шулардан иборат:

1. Сўз – ал-муфрад. Сўз фасоҳатининг белгиси – унда товушлар номутаносиблиги (таномуру-л-хуруф), нота-нишлик (ғароба) ва нотўғри сўз яса-лиш (мухолафату-л-қиёс) хусусиятларининг мавжуд эмаслиги.

Сўз фасоҳатида «таномуру-л-хуруф» тушунчаси сўзнинг фонологик хусусияти билан боғлиқ бўлиб, уни ташкил қилган товушлар таркиби ва тартиби уларни талаффуз қилишда қийинчилик туғдирадиган ҳолатга нисбатан қўлланади. Бу ҳолат сўзловчи учун ҳам, тингловчи учун ҳам бирдек мақбул эмас, чунки бундай ҳолатда товушларни махражидан чиқариш қийин бўлгани учун талаффуз равон бўлмайди, оқибатда тингловчи уларни эшитиб қабул қилиш ва маъносини англаб олишга қийналади. Бундай нутқ тингловчини ўзининг мухлисига айлантира олмайди.

«Ғароба» маънони ёрита олмайдиган, бегона ҳисобланган ёки маъносини тушунишда қийинчилик туғдирувчи сўзларга хос бўлса, «мухолафату-л-қиёс

– тилда мавжуд бўлган морфологик принципларга зид ҳолда сўз яшадир.

Юқоридагилардан маълум бўладики, бу хусусиятлар тил нафосати – эстетикасига зид ҳисоблангани боис нутқда гўзаллик яратишга монелик қилади.

Демак, сўз талаффуз учун қулай фонологик таркибга эга бўлиши, та-ниш ва тушунарли бўлиб, морфологик принципларга мос равишда ясалган бўлсагина шакл жиҳатдан шарқона фасиҳ, ғарбчасига эстетик талабларга жавоб берган ҳисобланади.

2. Калом фасоҳатининг белгиси – тузилишида заифлик (заъфу-т-таълиф), сўзлар номутаносиблиги (таномуру-л-калимат), маъносида чалкашлик (таъқид) бўлмайди. Бу ерда каломнинг тузилишида заифлик – унда грамматик жиҳатдан ноқислик мавжудлиги; сўзлар номутаносиблиги – ҳар бири фасиҳ бўлса-да, бир каломда келгани учун талаффузнинг қийинлашишига олиб келадиган сўзларнинг қўллангани; маънода чалкашлик – мақсад қилинган нарс (далолат)нинг ёритиб берилмагани. Булардан ташқари сўзлар такрорининг кўплиги ва кетма-кет келган изофа ҳам калом фасоҳатига зарар етказди.

3. Мутакаллим, яъни сўзловчи фасоҳати – мақсадни фасиҳ лафзлар воситасида ифодалаш малакаси.

Демак, шарқ олимлари тилдаги фасоҳат тушунчасини фикрни аниқ ифодалаш мақсадида фонетик, морфологик, лексик, семантик, синтактик жиҳатдан тўғри тузилган каломга нисбатан қўллаб келмоқдалар.

Эстетик жиҳатдан баркамол каломда фасоҳат ва балоғат бирлашади. Биробарин, фасоҳат каломнинг ташқи, яъни шакл гўзаллигини таъминласа, балоғат ички, яъни маъно гўзаллигини яратиб беради. Бундан фасоҳатсиз ёки ба-



лоғатсиз каломда нуқсон пайдо бўлади ва унинг мукамал ҳуснга эга бўла олмаслиги англашилади.

Тилда балоғат тушунчаси калом ва сўзловчига нисбатан қўлланади.

Араб тилида «балоғат» сўзининг ўзгидан ясаладиган иккита феъл мавжуд. Биринчиси – «етди, эришди; етук бўлди» маъносида. Ундан ҳосил бўладиган масдар (ҳаракат номи) «эришиш; етуклик» маъносига эга. Иккинчиси – «сўзга уста, фасоҳатли, балоғатли бўлди, нотик бўлди» маъносида. Унинг масдари «нотиклик, сўзамоллик; балоғат», яъни гапнинг фасоҳатли сўзлардан тузилиб, вазият тақозосига мос бўлишини англатади. Илмдаги истилоҳга иккинчиси асос бўлган.

Балоғат илмига берилган таъриф қуйидагича: Балоғат – каломнинг ҳол(ат) тақозосига мос ҳамда фасоҳатли бўлиши.

Демак, каломнинг балоғати – фасоҳатли каломнинг тақозо этилган вазиятга мослиги орқали белгиланади.

Балоғат тизимини калом, маъно, ибора, ҳол (ҳолат, вазият), сўзловчи (мутакаллим), мурожаат қилинаётган шахс (мухотаб) кабилар ташкил қилади. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида таърифлар келтириш мумкин.

Шарқда араб тилида ёзилган балоғатга оид асарлар форс ва туркий халқларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Бу илм барча ислом ўлкаларида кенг тарқалди. Балоғат муҳим мавқега эга бўлган илмлардан ҳисоблангани боис тилшунослар, адабиётшуносларнинг диққат марказида бўлиб, илм аҳлининг етуклик даражаси уларнинг балоғат илмини қай даражада ўрганганликлари билан белгиланган. Шунинг учун ҳам олимлар бу илмнинг ривожланиши ва ўзлаштирилишига катта эътибор берганлар ва балоғат илмини ўқитиш, албатта, ўқув дастурларидан ҳам жой олиб келган.

Ҳозирги кунда Республикамиз қўлёзма фондларида сақланаётган балоғат илмига оид қўлёзмаларнинг кўпи XVIII-XIX асрда кўчирилган нусхалар экани унинг яқин асрларда ҳам ўлкамиз ўқув даргоҳларида кенг миқёсда ўқитилганини кўрсатади.

Бу илм бугунги кунда ҳам ўзининг илмий ва амалий аҳамиятини йўқотган эмас. Балоғат илми, аввало, араб тили ва бевосита Қуръони каримнинг сарфу наҳв илмлари қамровига кирмаган нозик жиҳатларини бутун жозибаси билан англаб олишга хизмат қилади.

Қолаверса, санъатшунослар, шоир ва ёзувчилар, матбуот ва радио ходимлари, айниқса педагоглар нутқининг ҳам маъноли, ҳам равон бўлиши, зарур ҳолларда унинг таъсир кучини оширувчи воситаларни ўргатади.

Таъкидлаш жоизки, ўтмиш олимлари ва адибларининг ўз асарларини машҳурлик даражасида баркамол яратишларига хизмат қилган балоғат илмига оид манбалар олимларимиз томонидан махсус ўрганилмаган. Айниқса, туркий халқлар орасида балоғат илмини ўрганиш ва ўргатиш учун асос бўла оладиган «Балағати Усманийя» каби асарларни тадқиқ қилиш ва ўзбек тилига ўгириш шарқ ва ўзбек филологияси мутахассисларининг бугунги кундаги муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

